

9. Sokolska, T.V. (2014). Financial support for agriculture. *Economy and management of agribusiness*, issue 1, p. 140-146.
10. Нормурзаев, У. Х. (2021). Ҳуқуқатимиз томонидан берилётган солиқ имтиёзларининг ҳисобини юритиш ва самарадорлигини таҳлил қилиш масалалари. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (10 (146)), 47-56.
11. Нормурзаев У. (2021). Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в узбекистане. *Economics and Education*, (6), 82–86. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol\\_iss6/a285](https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss6/a285)
12. Нормурзаев, У. (2021). Пути эффективного использования налоговых льгот для поддержки предпринимателей. *Экономика и инновационные технологии*, (4), 355–362. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11954](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11954)
13. Нормурзаев, У. (2023). Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида молия бозорининг долзарб муаммолари тадбиркорликни тенг рақобат шароитларини яратиш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш йўлари. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 88–89. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/19032>
14. Нормурзаев, У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибидини такомиллаштириш масалалари. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(1), 334–339. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a51](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51)
15. Нормурзаев, У. (2023). Яширин иқтисодиётни камайитиришда солиқ органларининг аҳамияти. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(2), 215–221. Retrieved from <https://e-it.uz/index.php/eitt/article/view/66>
16. Пансков В.Г. Налогообложение природных ресурсов: проблемы и пути решения, <https://cyberleninka.ru/article/n/nalogooblozhenie-prirodnih-resursov-problemy-i-puti-resheniya/viewer>

### ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЮРИТИШДА ТЕНГ РАҚОБАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ УЛУШИНИ ҚИСҚАРТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИДАН Фойдаланиш йўналишлари



[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a34](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a34)

**Ахмедов Феруз Баходирович -**

PhD, Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришининг илмий асослари ва муаммолари”  
илмий-тадқиқот маркази мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация.** Мазкур мақолада республикамизда сўнгги йилларда солиқ ва молия соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда бизнес доираларининг ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар ёритилган. Шу билан бирга, иқтисодиётда яширин айланма савдо ва умумий оқатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, тураржой хизматларини кўрсатиш каби соҳалар урганчилик, хориж тажрибаси, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усуллар ва воситалар, илғор ахборот- коммуникация технологиялари, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

### НАПРАВЛЕНИЯ СОЗДАНИЯ РАВНЫХ КОНКУРЕНТНЫХ УСЛОВИЙ И СНИЖЕНИЯ ДОЛИ СКРЫТОЙ ЭКОНОМИКИ В ВЕДЕНИИ ХОЗЯЙСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Ахмедов Феруз Баходирович -**

PhD, соискатель Научно-исследовательского центра «Научные  
основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при  
Ташкентском государственном экономическом университете

**Аннотация.** В данной статье описаны широкомасштабные реформы, направленные на создание благоприятных условий для ведения предпринимательской деятельности в налоговой и финансовой сферах, улучшение инвестиционного климата и дальнейшее укрепление доверия деловых кругов к нашей республике за последние годы. При этом были изучены такие направления, как подпольная торговля и общепит, перевозки автотранспортом, жилищное строительство и ремонт, оказание бытовых услуг, сформированы научно-практические выводы и предложения по зарубежному опыту и его применению в нашей стране.

**Ключевые слова:** налоговые поступления, анализ, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, передовые информационно-коммуникационные технологии, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.

## DIRECTIONS FOR CREATING EQUAL COMPETITIVE CONDITIONS AND REDUCING THE SHARE OF THE HIDDEN ECONOMY IN THE CONDUCT OF BUSINESS ACTIVITIES

*Akhmedov Feruz Bakhodirovich -  
Scientific research center under TSEU  
independent researcher (PhD)*

**Annotation.** This article describes large-scale reforms aimed at creating favorable conditions for doing business in the tax and financial sectors, improving the investment climate and further strengthening the confidence of business circles in our republic in recent years. At the same time, such areas as underground trade and public catering, road transport, housing construction and repair, the provision of personal services were studied, scientific and practical conclusions and proposals were formed on foreign experience and its application in our country.

**Key words:** tax revenues, analysis, risks, efficiency, digital platform, methods and tools, advanced information and communication technologies, analysis, optimization, tax incentives, tax rate.

**Кириш.** Жаҳон иқтисодиётида глобал молиявий беқарорлик кучайиши шароитида қисқа ва узоқ муддатли бюджет-солиқ сиёсатида оид стратегияни ишлаб чиқишда солиқ тўловчилар томонидан солиқдан қочиш ҳолатлари олдини олиш ва уни камайтиришнинг турли хил механизмларини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Миллий иқтисодиётда ноқонуний молиявий оқимларни камайтириш, солиқ тўловчилар томонидан солиқдан қочиш ҳолатларини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўллари аниқлаш, яширин иқтисодиётни камайтириш орқали солиқ тўлашдан бўйин товлаш жараёнларининг олдини олиш, солиқ тўлашдан қочиш хавфларини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш бу борадаги илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда яширин иқтисодиётнинг ҳиссасини камайтириш, у орқали юзага келадиган солиқдан қочиш ҳолатлари ҳамда солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини камайтириш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларини самарали амалга оширилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яширин иқтисодиётни қисқартириш борасида меъёрий-ҳуқуқий базани мустақкамлаш, соҳани рақамлаштириш натижалари ҳисобига яширин иқтисодиётни жиловлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, яширин иш ўринларини легаллаштириш, назорат тадбирларини ўтказиш йўналишида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Ҳозирги даврда солиқдан қочиш ва солиқларни оптималлаштириш йўллари мавзусига оид қисқача адабиётлар шарҳини келтирамиз.

С.М.Оленниковнинг фикрича, солиқдан қочиш ва солиқларни оптималлаштириш бу солиқ тўловчининг режалаштирган хатти-ҳаракатлари ҳисобланади[1].

А.Маковецкий, Е.А.Зарецкая каби олимлар солиқдан қочишнинг энг кўп қонуний тарқалган усулларида бири бўлган солиқларни опти-

маллаштириш тушунчасига ҳам таъриф бериб ўтади, яъни уларнинг таъбирича, “Солиқларни оптималлаштиришда солиқ тўловчининг мақсадли қонуний ҳаракатлари, шу жумладан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш, солиқ имтиёзлари ва бошқа қонуний имтиёзлар орқали солиқ мажбуриятлари миқдорини камайтиришни тушуниш одатий ҳолдир. Бошқача айтганда, бу солиқ ва жиноят қонунчилиги нормаларини бузмаган ҳолда, қонуний асосларда солиқ тўловлари минимал даражага тушириладиган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ташкил этишдир” дейди[2].

Э.Гувер “Германияда солиқларни тўлашдан бўйин товлаш истаги туғилиш истагидан кучлироқдир” деганда солиқдан бўйин товлашнинг асосий ижтимоий-сиёсий негизини кўрсатиб ўтган эди[3].

Россиялик олима Л.Александрова бу борадаги тадқиқотлари натижасида “Солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг оммавийлиги, солиқ жиноятларининг кечикиш даражасининг юқорилиги алоҳида ўткирлик билан уларни очиш муаммосини қўймоқда. Бунда фаолиятнинг мақбул ва самарали йўллари ва воситаларини излаш ва ишлаб чиқиш зарурати туғилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, солиққа оид жиноятларни аниқлаш бошқа турдаги жиноятларга қараганда анча қийин. Бундай шароитда солиқ жиноятларини аниқлаш бўйича чора-тадбирларни, шу жумладан, суд-тиббиётини ишлаб чиқиш айниқса муҳимдир” деб таъкидлайдики, муаллиф солиқдан бўйин товлаш жараёнларига ҳуқуқий баҳо бериш бошқа жиноятларга қараганда анчайин мураккаблигига ишора қилади[4].

А.Р.Абдуллина фикрича, солиқдан қочишда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда солиқ жиноятларини аниқлашда бухгалтерия ҳужжатларини таҳлил қилишда қийинчиликларининг мавжудлиги, янги ташкил этилиб, тез фаолиятини тугатадиган корхоналарни мониторинг қилишда етарли малаканинг камлиги, фуқаро-

лик, иқтисодий ҳуқуқий ҳужжатларни ўзаро интеграциялаш асосида таҳлил қилишнинг қийинлиги, қонун ҳужжатларининг етарли такомиллашмаганлиги оқибатида солиқдан қочиш ҳолатларининг ҳуқуқий негизига асосланган ҳолда бу жараёни камайтиришга қаратилган ҳаракатларнинг самарасиз бўлишига таъсир қилмоқда[5].

Украиналик олимлар С.А.Маковецкий, Е.А.Зарецкаяларнинг фикрича, “солиқ тўлашдан бўйин товлаш ёки солиқ солинадиган базани камайтиришнинг кўплаб усуллари таснифлаш масаласида кўплаб тадқиқотчилар ягона нуқтаи назарга келишади ва иккита гуруҳни ажратиш кўрсатишади. Баъзи манбаларда кулранг схемалар мавжудлиги қайд этилган. Бунда солиқларни камайтириш тартиби қонунларда белгиланган камчиликлар, бўшлиқлар ёки нотўғри талқинлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади”[6].

И.Вачугов солиқдан қочиш жараёни яширин иқтисодиётнинг бўғини сифатида “солиқ соҳасидаги яширин иқтисодиёт” тушунчасини ҳам тушунтириб ўтади. Унинг фикрича, “солиқ тўлашдан бўйин товлаш яширин иқтисодиётнинг бир қисми бўлиб, солиқ тўлашдан бўйин товлаш бўйича хизматлар кўрсатиш бўйича яширин тузилмаларнинг фаолияти бизга “солиқ соҳасидаги яширин иқтисодиёт” атамасини киритиш имконини беради, унинг таърифи қуйидагича ифодаланиши мумкин: солиқ тўловчиларнинг ўзлари ҳам, солиқ тўлашдан бўйин товлашни ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни таъминлайдиган хизматларни кўрсатадиган соя тузилмалари тушунилади”[7].

И.А.Майбурова, А.П.Киреев, Ю.Б.Ивановалар эса, солиқдан қочишга қуйидагича таъриф беради: “солиқ тўлашдан бўйин товлаш деганда солиқ тўловчининг солиқ тўловларини тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини ўзгартиришнинг ноқонуний йўли тушунилиши керак, бунда солиқ органларидан даромадлар ва мол-мулкни яшириш, уйдирма харажатлар яратиш, шунингдек, қасддан бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоботини бузиш” ҳолатлари юз беради[8].

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Тадбиркорлик фаолиятини юритишда тенг рақобат шароитларини яратиш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш юзасидан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларнинг ҳисобини юритиш, уларга субсидия ажратиш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда субсидияни шаффофлигини таъминлайдиган ахборот тизимини яратиш, шунингдек, субсидия бўйича амалдаги ахборот тизимларини солиқ органларининг маълумотлар базасига интеграция қилиниш лозим. Чунки статистика маълумотларига кўра, 2022 йилда фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилган 75 трлн сўмлик (пахта

ва ғалладан ташқари) қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан фақат 7 трлн. сўми электрон ҳисобварақ-фактуралар асосида реализация қилинган ҳамда бюджетга 88 млрд. сўм ҚҚС тўланган. Республикада қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик соҳасини ривожлантириш учун 2022 йилда 1 095,5 млрд сўм субсидиялар ажратилган. Бу йўналишда хорижий тажриба ўрганилганда, Озарбайжон Республикасида “Субсидия” ахборот тизимида 400 га яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реализацияси электрон ҳисобварақ-фактура орқали амалга оширилган ва маҳсулот миқдоридан келиб чиққан ҳолда субсидия ажратиш амалиёти йўлга қўйилган. Шу билан бирга, 2020 йил 1 январдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реализациясини яшириш ҳолати аниқланганда, яширилган айланманинг 6 фоизи миқдорида молиявий жарима қўлланилиши белгиланган.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда етиштириладиган ҳосил ҳажминини аниқлаш, апробация тадбирларини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида даромадларни ҳисобга олишни белгилашда собиқ иттифоқ даврида тасдиқланган бугунги кун талабига жавоб бермайдиган методикалардан фойдаланиб келинмоқда. Бу ўз навбатида солиқ солинадиган базани яшириш ёки нотўғри кўрсатишга имкон бермоқда. Бугунги кунда республикада 195 мингта юк транспорти мавжуд бўлиб, уларнинг атиги 3 мингтаси расмий юк ташиш фаолияти билан шуғулланади. Шу билан бирга, юк ташиш соҳасида товар транспорт юк хатлари ҳанузгача қоғозда расмийлаштириб келинмоқда. Шу ўринда, Озарбайжон Республикаси Солиқ кодексида транспорт ташкилотлари томонидан товар транспорт юк хатини электрон тарзда расмийлаштириш мажбурий этиб белгиланган ҳамда транспорт юк хатини электрон тарзда амалга ошириш юзасидан платформа яратиш лозим бўлади.

Мамлакатимизда қурилиш соҳасида хуфиёна иқтисодиёт улуши 50 фоизни ташкил қилиб, кўчмас мулк объектлари жисмоний шахсларга нақд пулга сотилишида сотиш нархини камайтириб кўрсатиш ҳолатлари кенг тарқалган. Ўтказилган таҳлилларда 2022 йилда 251 та қурилиш корхонаси томонидан 7 843 та объект бозор нархидан паст қийматларда реализация қилинган ва натижада бюджетга 132 млрд. сўм ҚҚС тўланмаган. Озарбайжонда юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга кўчмас мулкни сотиш фақат электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали, яъни нақд пулсиз шаклда амалга оширилиши ва бюджетга тўланган ҚҚС суммасининг 20 фоизи сотиб олувчига қайтариб берилиши белгилаб қўйилган. Республикада 2022 йил давомида жами 1 177 та тадбиркорлик субъектларида 3 512 нафар ходимлар билан

меҳнат шартномалари тузилмаганлиги аниқланган. Ходимлар сонини яшириш ҳолатлари аниқланганда ходимлар сонидан қатъий назар Маъмурий жавобгарлик кодексининг 175<sup>5</sup>-моддасига мувофиқ 300 минг сўмдан...3 млн сўмгача, ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда 1,5 млн сўмдан – 4,5 млн сўмгача миқдорда маъмурий жазога тортилади. Яширин иш ҳақи фонди ҳажмини аниқлашнинг мураккаблиги туфайли молиявий санкцияларни қўллашнинг амалдаги тартиби ишчи кучини қонунийлаштириш жараёнларига самарали таъсир кўрсатишга имкон бермайди. Норасмий ишчиларни ва меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини яширилган ҳолатларини аниқлаш қийинчилик келтириб чиқармоқда. Таклиф этилаётган чора молиявий жариманинг аниқ миқдорини белгилаш ва уни қўллашда солиқ органлари томонидан турли суиистеъмолчиликларни олдини олишга қаратилган. Ваҳоланки, 458,9 мингта ташкилотдан 336 мингтаси (73%) солиқ ҳисоботларида ходимлари сонини 1-3 нафар кўрсатган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон қароридан 2022 йил 1 июлдан бошлаб ишлаб чиқарувчилар учун этил спирти ва алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашган электрон ҳисобга олиш ва ўлчаш ускуналарида фойдаланиш мажбурийлиги белгиланган. Хусусан, 2022 йилда алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи 54 та корхонанинг 38 тасида (70%) акциз солиғи тўлови ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 98,7 млрд сўмга камайган. Шунингдек, бугунги кунда ноқонуний алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши миқдори кўпайиши кузатилди. Мисол тариқасида, 2016 йилда сотилган ароқ маҳсулотлари миқдори 18,9 млн.долларни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 11,6 млн.долларни ташкил этиб, 7,3 млн.долларга камайиб кетганлигини кўриш мумкин. Лекин ҳақиқатда, алкоголь маҳсулотларини реализация қилувчи савдо шохобчалари жорий йил бошига 7 095 тани ташкил этиб 2020 йилга нисбатан 930 тага ошганлигини кўрдик.

Мамлакатимизда, 2023 йилнинг 1 март ҳолатига фаолият юритаётган 238,9 мингта яқка тартибдаги тадбиркорларнинг 42,8 мингтасида банк ҳисоб рақами мавжуд эмас (ҳисоб рақами очиш мажбурияти белгиланмаган). Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5813-сон Фармонида “кўрсатилган ҳажмдан кам бўлган кунлик ўртача нақд пул тушумига эга бўлган ёки онлайн назорат-касса машиналаридан (ёхуд виртуал кассадан) фойдаланишга ўтган хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ўзлари белгилайдиган даврларда ёки мустақил равишда топшириш ҳуқуқига эга”-

деган қўшимча киритилган. Киритилган ўзгартиришга мувофиқ, онлайн назорат-касса машиналаридан (ёхуд виртуал кассадан) фойдаланишга ўтган хўжалик юритувчи субъектлар учун нақд пул тушумларини банкка топшириш мажбурияти йўқ ва муддати белгиланмаган. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сонли қарорига кўра, онлайн НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ихтиёрий, белгиланган муддат (2022 йил 1 январь) тугаганидан кейин мажбурий равишда ўтиши белгилаб қўйилган. Бугунги кунда, 208 809 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчасидан 174083 таси ёки 83,3 фоизи 214246 та онлайн НКМлар билан жиҳозланган бўлиб, ушбу тадбиркорлик субъектларида нақд пул тушумларини банкка топшириш мажбурияти мавжуд эмас. Натижада амалиётда тушумларни онлайн НКМ ёки виртуал кассадан ўтказган ҳолда банкка топширмаслик ҳолатлари учрамоқда ва бу ҳисобланган солиқларни бюджетга ўтказилмаслигига сабаб бўлмоқда. Биргина 2022 йил мобайнида 82 та ҳолатда 592,8 млрд сўм нақд пулларни банкка топширилмаслик оқибатида 92 млрд сўмлик солиқлар бюджетга ўз вақтида ўтказилмасдан қолган. Мисол учун, “Ф” МЧЖ томонидан 2022 йил январь-июнь ойларида ОНКТ орқали 49,6 млрд сўмлик савдо тушуми амалга оширилган бўлсада, ҳақиқатда банк кассасига 1,2 млрд сўм нақд пуллар топширилган холос. 2022 йилда 168 та хўжалик юритувчи субъект 1,7 трлн сўмлик “нақдлаштириш” операцияларини амалга оширгани аниқланиб, ўтказилган солиқ текширувлари доирасида 89,2 млрд сўм қўшимча солиқлар ҳисобланган. Баъзи хўжалик юритувчи субъектлар солиққа тортилмаслик, шунингдек, белгиланган даромад чегарасидан ошмаслик учун сотилган товарлар (хизматлар) учун пул олишда электрон тўлов каналлари (Payme, Click) ва жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан фойдаланадилар. Маълумот учун: Марказий банк маълумотларига кўра, 9,5 минг нафар жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларига 2,3 трлн сўм маблағлар ўтказилган (1 кишининг пластик картасига ойига 20 дан ортиқ пул ўтказмалари). Мисол учун, 2022 йил давомида жисмоний шахсларнинг банк карталарига тушган маблағлар 382,6 трлн сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 88,7 фоизга ошган. Шундан 121,9 трлн. сўми картадан картага (P2P) ўтказмалар қилинганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, солиқ тўловчилар томонидан тадбиркорликни (бизнесни) қисмларга бўлиш йўли орқали асосиз солиқ нафини олишига йўл қўймаслик қоидаларини белгилаш мақсадида киритилмоқда. Халқаро валюта жамғармаси экспертлари томонидан тадбиркорлик субъектлари томонидан бизнесни бўлишга қарши нормаларни Солиқ

кодексида назарда тутиш зарурлиги қайд этилган. Ўтказилган таҳлилларга кўра, 2022 йилда 613,8 млрд. сўм товар айланмаси бўлган 9,5 мингта (2,4 минг жисмоний шахс томонидан ташкил қилинган) хўжалик юритувчи субъектлар ҚҚС ва фойда солиғини тўлашдан бўйин товлаш мақсадида, ўз бизнесини (қисмларга) бўлиш ҳаракатларини амалга оширганлиги аниқланди.

**Хулоса ва таклифлар.** Солиқ маъмуриятчилигини кучайтириш учун солиқ тўлашдан бўйин товлашни янада самарали аниқлаш ва олдини олиш учун солиқ маъмуриятининг

имкониятларини, кучини ошириш. Яширин иқтисодиёт билан шуғулланишга мойиллиги юқори бўлган тармоқлар ва шахсларга қаратилган рискга асосланган аудит ёндашувларини амалга ошириш зарур. Солиқ маъмуриятчилигини кучайтириш, солиқ тартиб-қоидаларини соддалаштириш, солиқ тўловчилар билимини ошириш ва қатъий жазо чораларини қўллаш орқали Ўзбекистон янада шаффоф ва адолатли солиқ тизимини яратиши мумкин. Бу эса даромадларни йиғиш ва иқтисодий ўсишнинг ошишига олиб келади.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.С.М.Оленников. Квалификация уклонения от уплаты налогов по объективным признакам состава преступления. // Юридическая ответственность и ответственные юристы. 2017. №4. С.37-42.
2. С.А.Маковецкий, Е.А. Зарецкая. Уклонение от уплаты налогов: особенности преступления и наказания. Вестник института экономических исследований 2017, № 3(7) 156.
3. Kottke K. «Gryaznye» den'gi – chto ehto takoe? Spravochnik po nalogovomu zakonodatel'stvu v oblasti «gryaznyh» deneg. –М., 1998.
4. Л.И. Александрова. Основные особенности и проблемы выявления уклонений от уплаты налогов. // Актуальные проблемы правового регулирования. 2017. С.2.
5. Абдуллина А.Р. Представители как субъекты уклонения от уплаты налогов с организации // Научная перспектива. 2016. № 10. С. 37-38.
6. С.А.Маковецкий, Е.А. Зарецкая. Уклонение от уплаты налогов: особенности преступления и наказания. Вестник института экономических исследований 2017, № 3(7) 156.
7. Вачугов И.В. — Уклонение от уплаты налогов, как составляющая теневой экономики: рост или сокращение? // Налоги и налогообложение. – 2019. – № 6. – С. 42.
8. Уклонение от уплаты налогов. Проблемы и решения: монография для магистров, обучающихся по программам направления «Финансы и кредит» / И.А. Майбуров [и др.]; под ред. И.А. Майбурова, А.П. Киреенко, Ю.Б. Иванова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2013.-с.383.
10. Ф.Б.Ахмедов Солиқ тўлашдан қочиш хавфларини аниқлашда замонавий фискал назорати такомиллаштириш: (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2023.
11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz).
12. Нормурзаев, У. (2023). Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида молия бозорининг долзарб муаммолари тадбиркорликни тенг рақобат шароитларини яратиш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш йўлари. <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/19032>
13. Нормурзаев, У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(1), 334–339. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a51](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51)
14. Нормурзаев, У. (2023). Яширин иқтисодиётни камайтиришда солиқ органларининг аҳамияти. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 1(2), 215–221. Retrieved from <https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/66>



### ТУРИЗМ КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН РИСКЛАР ВА УЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ

**Жўраев Беҳзод Нуралиевич -**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Самарқанд филиали мустақил тадқиқотчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a35](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a35)

**Аннотация.** Мақолада туристик корхоналар молиявий таъминотини такомиллаштиришда юзага келадиган рискларнинг турлари, уларнинг даражалари ва уларни самарали бошқариш ҳусусида сўз боради.

**Калит сўзлар:** рисклар, молиявий риск, молиявий таъминот, пандемия, молиявий сиёсат, ликвидлик, рентабеллик, солиқлар.